



**ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ШИРИН МАККАЖЎХОРИ
ЎСИМЛИГИНИНГ ЭКИШ ЗИЧЛИГИ ВА ЎВИТЛАШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ 1000
ДОНА ДОН ВАЗНИГА ТАЪСИРИ**

Файзуллаева Дилдора Улуғбековна

таянч докторант, Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти

Аннотация:

Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятининг суғориладиган майдонлари, оч-тусли бўз тупроқ шароитларида ширин маккажўхорининг «Замон» ва «Мазза» навлари турли экиш зичлиги ва ўғит меъёрлари қўлланилиб экилганда 1000 дона дон вазнига таъсири ўрганилган.

Калит сўзлар: Дон, ширин маккажўхори, нав, вариант, экиш зичлиги, ўғит меъёри, 1000 дона дон вазни.

Мавзунинг долзарблиги

Бугунги кунда Республикамизда аҳоли учун янги турдаги истиқболли экинларни жанубий минтақаларда етиштирилиши илмий тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли фармонида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасини модернизатсия қилиш ва жадал ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу сабабли, Республикамизда ширин маккажўхори етиштириладиган майдонларини кенгайтириш, турли тупроқ иқлим шароитида ва турли муддат ҳамда усулларда ўстириш технологиялари ишлаб чиқиш соҳанинг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг турли минтақаларида (ширин) маккажўхорини ўстиришнинг афзалликлари қуйдагилардан иборат ҳисобланади. Ширин



International Conference on Economics, Finance, Banking and Management

Hosted online from Paris, France

Website: econfseries.com

24th September, 2025

маккажўхори кучсиз шўрланган ерларда ўстиришга яроқли, бўлиб асосий ва такрорий экин сифатида ўстирилади.

Маккажўхори кенг қаторлаб, қатор ораси 60, 70, 90 см қилиб экилиб, унинг навига қараб ҳар 15-20 см оралиғида битта ўсимлик қолдирилади [3]. Ҳар бир ўсимликнинг озикланиш майдони кенгайса, ёруғликдан фойдаланиш фаоллашади, натижада ривожланиш тезлашади. Аммо, ҳар бир туп ўсимликнинг маҳсулдорлиги ошгани билан туп сони меъёрдан камайтирилса, гектаридан олинадиган ҳосил ошмаслиги мумкин [4]. Дон ҳосилдорлигига ўсимлик зичлиги таъсир қилади. Бироқ, ўсимлик зичлиги ошиши туфайли бошоқнинг массаси ҳисобига м² га бошоқлар сони ва дон ҳосилдорлиги ортади.

Донлар сони ва 1000 дона вазни дон ҳосилининг 98 фоизини ташкил қилади.

Ўсимликларнинг зичлигини ошириш ҳисобига 1 м² майдондаги дон миқдори ва 1000 дона вазнини кўпайтириш ҳисобига ширин маккажўхори донининг ҳосилдорлигини ошириш мумкин [1]. Азот миқдорининг 120 кг/га гача кўтарилиши ўсимликнинг баландлиги, ўсимликнинг қуруқ вазни, сўта сони, битта сўтадаги донлар сони, 1000 дона дон вазни ва доннинг тикланиши яхшиланди, натижада ҳосилдорлик ва рентабиллик ошди [2].

Тадқиқот натижалари

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти тажриба даласида ширин маккажўхорининг «Мазза» ва «Замон» навларини турли экиш зичлиги ва ўғит меъёрларининг 1000 дона дон вазни кўрсаткичларига боғлиқлиги аниқланди.



Ширин маккажўхори навларининг 1000 дона дон массаси, г (2022-2024 йй.)

Экиш схемаси	Ўғит меъёри	Замон нави	Мазза нави
90x10	Ўғитсиз	166,8	181,2
	N ₁₂₀ P ₁₀₀ K ₆₀	185,8	198,0
	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₇₅	195,7	211,0
	N ₁₈₀ P ₁₄₀ K ₉₀	198,1	217,7
90x15	Ўғитсиз	184,8	193,9
	N ₁₂₀ P ₁₀₀ K ₆₀	190,9	221,6
	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₇₅	200,9	229,2
	N ₁₈₀ P ₁₄₀ K ₉₀	205,7	235,9
90x20	Ўғитсиз	191,5	198,2
	N ₁₂₀ P ₁₀₀ K ₆₀	206,4	224,2
	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₇₅	221,9	235,5
	N ₁₈₀ P ₁₄₀ K ₉₀	223,2	240,7

Қашдадарё вилояти оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ширин маккажўхори ўсимлиги “Замон” навининг 1000 дона дон массаси 90x10 схемада экилиб, ўғит қўлланилмаган вариантда 166,8 г, 90x15 схемада экилганда 184,8 г, 90x20 схемада экилганда 191,5 г, минерал ўғитлар меъёри N₁₂₀P₁₀₀K₆₀ кг/га қўлланилган 90x10 схемада экилганда 185,8 г, 90x15 схемада экилганда 190,9 г, 90x20 схемада экилганда 206,4 г, минерал ўғитлар меъёри N₁₅₀P₁₂₀K₇₅ кг/га қўлланилган 90x10 схемада экилганда 195,7 г, 90x15 схемада экилганда 200,9 г, 90x20 схемада экилганда 221,9 г, минерал ўғитлар меъёри N₁₈₀P₁₄₀K₉₀ кг/га қўлланилган 90x10 схемада экилганда 198,1 г, 90x15 схемада экилганда 205,7 г, 90x20 схемада экилганда 223,2 г эканлиги қайд қилинди (3.10-жадвалга қаранг).

Ширин маккажўхори ўсимлиги “Мазза” навининг 1000 дона дон массаси 90x10 схемада экилиб, ўғит қўлланилмаган вариантда 181,2 г, 90x15 схемада экилганда 193,9 г, 90x20 схемада экилганда 198,2 г, минерал ўғитлар меъёри N₁₂₀P₁₀₀K₆₀ кг/га қўлланилган 90x10 схемада экилганда 198,0 г, 90x15 схемада



International Conference on Economics, Finance, Banking and Management

Hosted online from Paris, France

Website: econfseries.com

24th September, 2025

экилганда 221,6 г, 90x20 схемада экилганда 224,2 г, минерал ўғитлар меъёри $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га қўлланилган 90x10 схемада экилганда 211,0 г, 90x15 схемада экилганда 229,2 г, 90x20 схемада экилганда 235,5 г, минерал ўғитлар меъёри $N_{180}P_{140}K_{90}$ кг/га қўлланилган 90x10 схемада экилганда 217,7 г, 90x15 схемада экилганда 235,9 г, 90x20 схемада экилганда 240,7 г эканлиги қайд қилинди.

Хулоса

Олинган маълумотларан хулоса қилиш мумкинки, шириш маккажўхори навлари 1000 дона дон массаси ўсув даври давомийлигига кўра шаклланиши аниқланди. Жумладан, ўсув даври давомийлиги энг узун кун ўлган вариантларда 1000 дона дон массаси ҳам юқори бўлди. Демак, ширин маккажўхори навларида 1000 дона дон массасининг шаклланиши ўсув даври давомийлигига боғлиқ бўлиб, ўсув даври давомийлиги қанчалик узун бўлса 1000 дона дон массаси ҳам тўлиқ ривожланиши эвазига шунча юқори бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Khazaei F. et al. Study the correlation, regression and path coefficient analysis in sweet corn (*Zea mays* var. *saccharata*) under different levels of plant density and nitrogen rate //Journal of Agricultural and Biological Science. – 2010. – Т. 5. – №. 6. – S. 14-19.
2. Singh U. et al. Productivity, economics and nitrogen-use efficiency of sweet corn (*Zea mays* *saccharata*) as influenced by planting geometry and nitrogen fertilization //Indian Journal of Agronomy. – 2012. – Т. 57. – №. 1. – S. 43-48.
3. Маккажўхори уетиштириш [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ. - Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. – 36 б.
4. Атабаева Х. Н., Худайкулов Ж. Б. “Ўсимликшунослик”, “Фан ва технологиялар” нашриёти, Тошкент. -2018.– 32 б.